**КЕЛАЖАККА ХИЁНАТ**

*ёхуд дарсликлардаги хато-камчиликлар қачон тузатилади?*

Келгуси сонларда ўқинг



**БОШ МАҚСАД — одамларни рози қилиш**

Келгуси сонларда ўқинг

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2018 йил 15 май • сешанба • № 57 (4030)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келган АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони, генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, технологик, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланаётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда хавфсизлик, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик соҳаларидаги ўзаро алоқаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақада барқарорликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Генерал Ж.Вотел давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

АҚШ жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистон ва бутун минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қиладиган йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президентининг АҚШга кутилаётган расмий ташрифи Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВАШИНГТОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*ВАШИНГТОН, 14 май. ЎзА махсус мухбири Абу Бакр ЎРОЗОВ хабар қилади.*

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг таклифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари расмий ташриф билан АҚШда бўлади.**

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи олдидан Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор муҳим тадбирларда иштирок этмоқда. Вашингтон шаҳридаги Миллий пресс-клубда «Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида конференция бўлиб ўтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда таниқли олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, франциялик тарихчи олим, социолог М.Ларюэль, Human Rights Watch ташкилотининг Марказий Осиё бўйича раҳбари С.Свердлов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухоликов, Халқаро пресс-клуб раҳбари Ш.Қудратхўжаев ва бошқалар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, юртимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашига йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисидир.

Мамлакатимизда миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимли ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мониторинги миллий тизими шакллантирилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатлари муттасил такомиллаштириб борилмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олиш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яқин қўшничилик муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича амалга оширилаётган ишлар дунё жамоатчилиги томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлаётгани қайд этилди.

Тадбирда мамлакатимизда суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида эришилган натижалар юзасидан фикр алмашилди.

Соҳа мутахассислари журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

**ЎзА**

## КУН НАФАСИ

**«Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ва уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.** Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолашни таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини узлуксиз оширишни учун рағбатлантириш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифалар белгиланган.

***

**«Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Қарорда давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, давлат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, технологик ва ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантиришдаги ролини оширишни кўзда тутувчи қатор вазифалар белгиланган.

* * *

Қабул қилинган **«Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Президент қарори билан мамлакатда электрон тижоратни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, товарлар (хизматлар)ни Интернет тармоғи орқали реализация қилиш учун замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилиш, маҳаллий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш мақсадида кўплаб вазифалар белгилаб олинган.

* * *

**«Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Қарор замонавий халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган қатор вазифаларни ўз ичига олган.

* * *

**«Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги** Президент қарори қабул қилинди.

Қарорда буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг оммалаштиришни кўзда тутувчи қатор вазифалар белгилаб берилган.

* * *

**«Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги** Президент Фармони қабул қилинди.

Фармон билан адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қатор вазифалар белгилаб берилди.

* * *

**Ўзбекистон Президенти матбуот хизмати АҚШнинг Вашингтон шаҳрида матбуот маркази ташкил этди.**

«Бу марказ Президент Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифини кенг ва тезкор ёритишда журналистларга кўмаклашади. Бу ерда зарур маълумотлар тарқатилиб, ташриф натижалари бўйича матбуот анжуманлари ўтказиб борилади», дея хабар бермоқда Ўзбекистон Президентининг матбуот котиби Комил Алламжонов.

* * *

«Central Asia Foundation» нодавлат нотижорат жамияти асосчилари бўлган АҚШдаги ўзбекистонликлар **Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифи шарафига Нью-Йоркда радиостанция очишмоқда.**

Жамғарма президенти Ашраф Зокировнинг айтишича, бу радиостанцияни очишдан кўзланган асосий мақсад «янги жойда яшаётган ҳар бир ўзбек Ўзбекистон маданияти ва урф-одатлари ҳақида маълумот оладиган фойдали ахборот манбасини яратиш ҳамда уларнинг ўз она тили ва маданиятидан бегоналашмаган ҳолда янги давлатга мослашувларида ёрдам бериш»дан иборат.

* * *

Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан **Женгисбай Ембергенов Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш вазири, Баҳром Назаров Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи,** шунингдек, **Олимжон Аҳмедов Тошкент вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи** этиб тайинланди.

* * *

Шу пайтгача Тошкент шаҳрининг Сергели тумани ҳокими **бўлиб ишлаб келган Бахтиёр Раҳмонов Олмазор,** Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари **Нозим Ҳусанов Сергели,** «Ўзбекистон почтаси» АЖ бош директори Шуҳрат Атамуҳамедов **Учтепа туманига ҳоким этиб тайинланди.**

* * *

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилади. Бу ҳақда шаҳар ҳокимлиги ахборот хизмати хабар берди.

Халқаро бизнес ва технологиялари ассоциацияси (AMBiT) раиси, Ўзбек — Хитой савдо уйи ваколатхонаси раҳбари ва бир қатор компаниялар асосчиларидан бири, тадбиркор **Ҳикмат Абдураҳмонов кенгаш раиси этиб тайинланган.**

**Интернет нашрлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Қарор ва ижро

### ЎКСИК ҚАЛБЛАРГА МАЛҲАМ

«Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Қарори эҳтиёжманд инсонларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ҳамда маиший шароитларини яхшилаш имконини бермоқда. Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бугунги кунда ижтимоий ҳимояталаб, кўнгли ярим инсонларга кўрсатилаётган амалий ёрдам оилаларга манзилли етказилмоқда. 2▸

**«Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференциянинг**

## ТОШКЕНТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

**«Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари таъкидлайдики, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ижтимоий шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ўтказилган мазкур анжуман аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини янада кучайтириш учун давлат органлари, ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш борасидаги миллий, хорижий ва халқаро тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этди.**

Мазкур халқаро конференция ижтимоий-меҳнат масалаларини ҳал этишда бевосита иштирок этувчи уч томонлама шериклар ўртасида амалий муҳокама ва ижобий тажрибани ўрганиш пойдевори вазифасини бажарди.

Бундан ташқари, халқаро конференция Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва хорижий тажрибани ўрганиш орқали аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг устувор вазифаларини ҳал этишда фаол ҳамкорлик қилишга очиқ ва тайёр эканлигини намойиш этди.

Тошкент конференцияси ишида Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси (ХКУК), Халқаро иш берувчилар ташкилоти (ХИБТ), Касаба уюшмалари Умумевропа минтақавий кенгаши вакилларининг ҳамда ижтимоий ривожланиш, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги етакчи миллий ва хорижий экспертларнинг иштирок этиши ижтимоий соҳада фаол ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда таъсирчан амалий жамоатчилик назоратини амалга оширишда давлат органлари, ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

2▸

**15 май — Халқаро оила куни**

## Муқаддас қўрғон

Оила ва никоҳ муаммоларига қаратилган илк тадқиқотлар дунё миқёсида Ғарбда 1889 йилдан бошланган эди. Ўтган вақт мобайнида маълум бўлдики, ҳар бир оила ўзига хос қўрғон, ўзаро муносабатлар макони бўлиб, унинг хусусиятлари, таназзул ва ривожланиш анъаналари мавжуд экан.

Олинган илмий натижаларнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, орадан 100 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, оила муаммоси бугун яна долзарб тус олди. Чунки инсоният тараққиётининг кейинги босқичида, айниқса, айрим Ғарб давлатларида оилалар чуқур таназзулни бошдан кечирган. Жумладан, ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШ матбуоти, яъни «Нью-Йорк пост» газетаси «Муқаддас никоҳ чуқур зилзилани бошдан кечирмоқда», деб ёзган. Италияда чиқадиган «Эпока» журнали эса журналист П.Дзуллинонинг «Фожиали ёлғизлик» мақоласи орқали Данияда оилалар барбод бўлаётгани тўғрисида хабар берган.

Аммо... Таассуфлар бўлсинким, бугунга келиб мултақо тутуриқсиз фикрларни илгари суришмоқда. Жумладан АҚШ психоанализ ассоциациясининг Президенти Гаролд Гринвалд ҳуқуқий расмийлаштирилган никоҳ ўрнига вақтинчалик никоҳни таклиф қилмоқда. Айримлар эса бу таклифга «тузатиш» киритиб, «никоҳ юридик жиҳатдан майли расмийлаштирилсин, аммо муддати 5 йилдан ошмагани маъқул», деган таклифни билдирмоқдалар.

3▸

## «Ҳаракатлар стратегияси ва кучли ижтимоий сиёсат: халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро конференциянинг

# ТОШКЕНТ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

◂1

Шу билан бир қаторда Тошкент конференцияси иштирокчилари глобал миқёсда ижтимоий муҳофазани кенгайтириш ишида сезиларли ютуқларга эришилган бўлса-да, дунё аҳолисининг катта қисми самарали ижтимоий сиёсат механизмларидан баҳраманд бўлмаётганини таъкидлашди.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, жаҳон аҳолисининг 55 фоизи ёки 4 млрд. нафар инсон ижтимоий имтиёзларнинг биронта тури билан қамраб олинмаган. Дунёда атиги 29 фоиз аҳоли ижтимоий таъминотнинг барча турларидан фойдаланади.

Шаҳарлар аҳолисининг 22 фоизи ва қишлоқ аҳолисининг 56 фоизи соғлиқни сақлаш хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятидан маҳрум. Айниқса, кексалар муҳтож бўлган узоқ муддатли тиббий хизматга сайёрамизнинг 48 фоиз аҳолиси етиша олмаяпти.

Шунингдек, дунё болаларининг атиги 35 фоизи амалий ижтимоий муҳофазадан фойдаланмоқда, 1,3 млрд. нафар бола эса бундай шароитлар билан таъминланмаган.

Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аёл ва эркакларнинг ижтимоий муҳофаза чоралари билан қамраб олиниши ҳам етарли эмаслигича қолмоқда: янги туғилган фарзандни парваришлаётган оналарнинг 41 фоизи оналик, ишсизларнинг 22 фоизи ишсизлик, ногиронларнинг 28 фоизи ногиронлик нафақасини олишади, холос.

Кексаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд: пенсия ёшидаги одамларнинг фақат 68 фоизига ёшга доир пенсия тайинланган, пенсия таъминоти ва кексалар учун тайинланадиган бошқа нафақаларга Ялпи ички маҳсулотнинг ўрта ҳисобда 6,9 фоизи сарфланади, аксарият ҳолларда нафақалар миқдори юқори эмаслиги ва қарияларни қашшоқликдан қутқаришга етарли эмаслиги кузатилмоқда.

Замонавий дунёда 200 миллион нафардан кўп аҳоли иш жойига эга эмас, ишлаётганларнинг 42 фоизи эса бандликнинг ҳимояланмаган шаклларида фаолият юритмоқда. Реал иш ҳақлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлмаган бир пайтда, иш билан банд аҳоли таркибида қашшоқлар улуши 22 фоизни ташкил этади ва бундай ҳол яқин келажакда ўзгармаслиги кутилмоқда.

Баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда, БМТ эълон қилган «Барқарор ривожланиш мақсадлари»га эришиш учун дунё миқёсида кечиктириб бўлмайдиган ва тўлиқ ҳажмли чоралар кўрилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, «Барқарор ривожланиш мақсадлари» қуйидагиларни назарда тутади:

қашшоқликнинг барча шакл ва кўринишларини бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш;

ҳамма учун барча даражадаги сифатли инклюзив ва тенг ҳуқуқли таълимни таъминлаш;

аҳолининг тиббий ёрдам билан қамраб олиниши ҳамда унинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларига эришиш;

изчил, умумқамровли ва барқарор иқтисодий ўсиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

меҳнат миграцияси жараёнларини самарали тартибга солиш;

иқлимий адолат ва экологик фаровонликка эришиш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, БМТнинг «Барқарор ривожланиш мақсадлари» қашшоқликни камайтириш ва йўқ қилиш мақсадида миллий миқёсда барча учун ижтимоий муҳофазанинг тегишли тизим ва чораларини, шу жумладан, унинг энг кам даражаларини жорий этиш борасида давлатларнинг биргаликдаги мажбуриятини ифода этади.

Ҳамма инсонлар таянч ҳаёт даражасига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши, шу жумладан, манзилли ижтимоий муҳофаза тизимларидан баҳраманд бўлиши лозимлиги БМТ «Барқарор ривожланиш мақсадлари»нинг устувор вазифасидир.

Барча учун тааллуқли ижтимоий муҳофаза қашшоқликни бартараф этиш, тенгсизлик кўламини қисқартириш, барқарор иқтисодий ўсишни ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро конференция иштирокчилари таъкидлайдики, Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат доирасида ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларини ривожлантириш бўйича давлат ташаббусларини ва жамоатчилик кучларини бирлаштиришга қаратилган комплекс дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш эҳтиёжларига йўналтирилади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг охирги Глобал маърузасида келтирилган маълумотларга кўра, Ўзбекистонда аҳолини давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиш ишларига Ялпи ички маҳсулотнинг 11,6 фоизи йўналтирилади ва бунинг натижасида:

ишсизларнинг 39,5 фоизи нафақа пуллари олади;

кексаларнинг 98,1 фоизи тизимли ижтимоий ҳимоя билан қамраб олинган;

муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимоя нафақаларининг ҳеч бўлмаганда битта тури билан (болалар учун ҳамда оилавий нафақаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) манзилли қамраб олиниши 100 фоизга яқинлашган;

расмий секторда банд ходимларнинг барчаси бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинган.

Миллий анъаналарга ҳамда ўзаро ёрдам ва қўллаб-қувватловнинг жамоавий шаклларига таяниш Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бунда кўп асрлик тарихга эга бўлган ижтимоий ёрдамнинг ўзига хос бўлган маҳалла миллий институти алоҳида нуфузга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Инсон манфаати ҳар нарсадан устун» деган энг муҳим тамойилга асосланган кучли ва манзилли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга биринчи даражали эътибор қаратмоқда.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ҳар бир инсон ва ҳар бир оиланинг ҳаётий манфаатларига дахлдор бўлган долзарб ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал этиш учун бир қатор манзилли дастурлар амалга оширилишини назарда тутади.

Халқаро конференция иштирокчиларининг мамлакат минтақаларига қилган ташрифлари жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазият, соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари фаолияти, ижтимоий инфратузилма, арзон уй-жойлар қурилиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, иш жойларидаги меҳнат шароитлари, давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчиларнинг ижтимоий шериклиги билан танишиш имкониятини берди.

Халқаро конференция иштирокчилари давлат раҳбари бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва натижадорлигига, улар муносиб меҳнат шароитларини яратишга ҳамда кучли ва манзилли ижтимоий муҳофаза тизимини такомиллаштиришга хизмат қилаётганига ишонч ҳосил қилдилар.

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурига биноан 2018 йилда мақсадли ижтимоий сиёсатни янада фаоллаштириш кўзда тутилган.

Аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, мамлакат ички бозорида истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг кескин ошишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Бунинг учун қонунчиликка илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадлар даражасини аниқлаш бўйича «истеъмол саватчаси» тушунчасини киритиш режалаштирилмоқда.

**Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда касаба уюшмалари ҳам муҳим ўрин тутади.**

2017-2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларни амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириб бориш ҳуқуқи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига берилган бўлиб, уларда қуйидагилар назарда тутилади:

кам таъминланган оилаларга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича ҳунармандчилик фаолияти учун асбоб-ускуналар ва инвентарь сотиб олиш, шахсий томорқасини ривожлантириш, уй-жойини таъмирлаш йўналишларида микрокредитлар тақдим этиш;

оғир уй-жой маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга арзон уй-жойларни сотиб олишга, уй-жойларни таъмирлашга, маиший техника харид қилишга, оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлашга беғараз ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, шунингдек, аҳолини дори воситалари билан таъминлашдаги муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш бўйича жамоатчилик комиссиясига раҳбарлик қилмоқда.

**Кун тартибидаги масалаларни очиқ ва конструктив ёндашув билан атрофлича муҳокама қилиш чоғида халқаро конференция иштирокчилари** аҳолини ижтимоий суғурта билан қамраб олиниши кўламини кенгайтириш, ижтимоий муҳофаза мақсадларида солиқ-бюджет сиёсатининг самарали чоралари қабул қилиниши, ижтимоий муҳофазани барча бенефициарларга, шу жумладан, норасмий банд бўлганлар ва мигрантларга ҳам татбиқ этилиши, ёшлар бандлигини фаол рағбатлантиришга, оналик ва болаликни таъсирчан муҳофаза қилиш, кексалар тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиниши, муқаррар базавий даромад муаммосини энг мақбул тарзда ҳал этилишига эришган мамлакатлар тажрибасини ижобий баҳоладилар.

Бугунги шароитда, барча мамлакатлар учун ХМТнинг асос солувчи, устувор ва ижтимоий аҳамиятга эга конвенциялари негизида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш талаб этилади, бунда меҳнат инспекциялари ролини ошириш, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотлари ҳуқуқлари кафолатларини кенгайтириш, имконияти чекланган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, давлат-хусусий шерикликни ва ижтимоий тадбиркорликни жорий этиш, ижтимоий таъминот ва пенсия таъминотини оқилона ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ҳаётий заруратга айланмоқда.

**Халқаро конференция иштирокчилари** кучли ва манзилли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда давлат ҳамда ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари сайъ-ҳаракатларини бирлаштириш, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида амалий ижтимоий мулоқот ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш борасидаги халқаро ва хорижий тажрибани, шу жумладан, Ўзбекистон тажрибасини мунтазам ўрганиб бориш зарур деб ҳисоблайди.

Тошкент конференцияси таъкидлайдики, самарали ижтимоий сиёсат нафақат фаол ижтимоий муҳофаза ва соғлиқни муҳофаза қилиш чораларини, балки арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларини қамраб олган аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширувчи мақсадли дастурларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

**Халқаро конференция** фуқароларнинг конституциявий меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича стратегиялар, дастурлар ва чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ҳукуматлар, ходимлар ва иш берувчилар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга асосланган кучли ижтимоий сиёсатни илгари суришда ХМТ фаолиятини юксак баҳолайди.

Тошкент конференцияси таъкидлайдики, замонавий меҳнат соҳасида кузатилаётган ўзгаришлар, меҳнат бозори институтларини кучсизлантириш билан бир қаторда, дунёнинг қатор минтақаларида тенгсизлик ва беқарорлик ўсишига, шунингдек, кўплаб жамиятларда таркиб топган анъанавий норасмий ижтимоий келишувларнинг заифлашувига олиб келмоқда.

Дунёда юзага келган вазият иқтисодий ўсиш натижаларини меҳнат ва капитал ўртасида янада адолатли тақсимланишини таъминлаш учун бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий муҳофаза сиёсатига устувор даражада эътибор берилишини тақозо этмоқда.

**Шу муносабат билан халқаро конференция иштирокчилари ХМТнинг** меъёрий ижодкорлик фаолиятини фаоллаштиришга, назорат механизмини ва аъзо-мамлакатлар билан техник ҳамкорлик тамойилларини янада такомиллаштиришга чақириб қолади.

Халқаро конференция доирасида ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси шафелигида Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари раҳбарларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Учрашув давомида ҳар йили минтақавий касаба уюшмалари форумларини ўтказиб бориш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**Маърузаларни муҳокама қилиш, глобал тенденциялар ва мамлакатлардаги вазиятларни ўрганиш натижаларига биноан халқаро конференция иштирокчилари ривожланиш стратегияларини икки ва учтомонлама ижтимоий мулоқот асосида, қуйидаги вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, белгилаб олишни ўз ижтимоий шерикларига тавсия этади:**

***а) сиёсий, иқтисодий ва молиявий чоралар соҳасида***

мувозанатлаштирилган ва манзилли ижтимоий сиёсатни юритиш, меҳнат бозорини ҳуқуқий мувофиқлаштириб бориш, янги иш ўринларини яратиш ва ички истеъмол бозорида талабни рағбатлантириш масалаларида давлатнинг ролини ошириш;

муносиб меҳнат тақчиллиги муаммоларини ҳал этиш ҳамда қашшоқлик ва заифликнинг олдини олишнинг зарурий шарти сифатида ижтимоий муҳофаза тизимларини кенгайтириш, унинг манзиллилиги ва энг кам миқдорини ошириш;

ижтимоий муҳофаза соҳасидаги бевосита ва билвосита камситишларни бартараф этиш, Ялпи ички маҳсулот таркибида ижтимоий соҳани молиялаштириш сарф-харажатлари улушини ошириш;

солиқларни жамлаштириш ёки тежамкорлик сиёсати чоралари ижтимоий муҳофазага йўналтириладиган давлат сарф-харажатларига таъсир кўрсатмаслигини ва уй хўжаликлари даромадлари даражасини ҳамда ички истеъмолни пасайтириб юбормаслигини кафолатлаш;

ижтимоий муҳофазага йўналтириладиган ресурсларни юзага келтиришнинг барча, шу жумладан, халқаро молиявий муассасалар ва БМТ қўллаб-қувватлаётган вариантларидан самарали фойдаланиш;

субсидияларни, айниқса электр энергияси, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалигига йўналтириладиган субсидияларни сақлаб қолиш;

энг кам меҳнат ҳақини энг кам истеъмол бюджетининг реал қиймати асосида ўрнатиш, давлат секторида иш ҳақи миқдори камайишининг олдини олиш;

пенсия тизими ва меҳнат қонунчилигининг ислоҳ қилиниши меҳнат бозорини янада прекаризациялашувига олиб келмаслигини таъминлаш;

ижтимоий нафақалар миқдорларининг инсоннинг асосий эҳтиёжлари қондирилишини кафолатлайдиган даражадаги мутаносиблигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни юксалтиришни рағбатлантирувчи самарали солиқ сиёсатини юритиш;

иш ўринларини барпо этаётган кичик бизнес иш берувчиларини рағбатлантириш, шу жумладан ёшлар бандлигини бевосита ёки билвосита субсидиялаштириш;

б) институционаллаштириш соҳасида

иқтисодиётнинг норасмий сектори ходимларини ижтимоий суғурта билан қамраб олинишини кенгайтириш, бунда бадаллар ушлаб қолиш ёки ижтимоий трансфертга асосланган стратегик ёндашувларни оқилона уйғунлаштириш;

тиббий хизматлар сифати ва ҳаммабоплигини ошириш нуқтаи назаридан соғлиқни сақлаш тизимларини ислоҳ қилиш;

аҳоли бандлиги ва муносиб меҳнатни рағбатлантириш, доимий барқарор иш ўринлари яратишга кўмаклашиш, давлат хизматчиларини иш ўринларини, биринчи галда иқтисодиётнинг реал секторида барпо этгани учун моддий рағбатлантириш;

аҳолининг даромадлари таркибида ишлаб чиқариш унумдорлиги ва ички талабнинг ўсишига олиб келувчи меҳнат фаолияти ва тадбиркорликдан тушган даромадлар улушини ошириш;

ижтимоий боқимандаликни камайтириш мақсадида имконияти чекланган шахсларни ҳамда меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қилишга қодир бўлмаган бошқа шахсларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва мақбул келадиган иш билан таъминлашга кўмаклашиш;

ички талабни ошириш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва янги иш ўринларини яратишга хизмат қилувчи арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизациялаш дастурлари ижросини ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ҳал қилувчи таркибий қисми сифатида қабул қилиш;

ижтимоий ёрдам кўрсатиш, арзон уй-жойлар қуриш, инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш учун давлат-хусусий шериклик имкониятларидан кенг фойдаланиш;

в) глобал ҳамкорлик соҳасида замонавий экология муаммолари, инқирозлар ва беқарорликларга мослаштирилган ижтимоий муҳофаза тизимларини биргаликда барпо этиш;

транс-миллий корпорациялар билан глобал ижтимоий мулоқотни йўлга қўйиш;

меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларида комплекс чоралар қабул қилиш;

ҳамма жойда ижтимоий адолат ўрнатилишини кўзлаган ҳолда глобал шерикликни мустаҳкамлаш.

**Тошкент шаҳрида 2018 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган.**

Ижтимоий ҳимоя



## Ўксик қалбларга малҳам

◂1

Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Миробод туманида ўтказилди. Тадбирда туманда истиқомат қилаётган 70 нафар эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари кундалик турмушда зарур бўлган газ плитаси билан таъминланди. Туман ҳокими Шуҳрат Пўлатов ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашма Кенгаши масъул ходими Баҳодир Дадабоев тадбир иштирокчиларига самимий тилаклар билан бирга бундай хайрли ишлар яна давом эттирилишини билдирди.

— Бошимга оғир мусибат тушганида бу ғамга қандай чидайман, деб ўйлаган эдим — дейди кўзига ёш тўлган «Байналмилал» маҳалласида истиқомат қилаётган Арофат Азизова. — Ўғлим 37 ёшида юрак хасталигидан вафот этганида ҳаёт тўхтаб қолгандек эди гўё. Юртбошимиз, маҳалладошларим, ватандошларимга минг раҳмат. Улар ёлғиз ўзим беш нафар фарзандим ҳамда ўғлимнинг икки нафар фарзандини тарбиялаб, катта қилишга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак беришмоқда. Рўзғордан орттириб бирор-бир жиҳоз сотиб олишга қурбим етмасди. Бугун менга совға қилинган ўзимизнинг миллий маҳсулот — «Artel» газ плитаси Президентимизнинг биз каби инсонларга кўрсатаётган ғамхўрликларидан далолатдир.

Шунингдек, тадбир доирасида тумандаги Қўйлиқота кўчаси, 15-уйда истиқомат қилаётган боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оилалардан бири — Гулсум Умарбекова ҳолидан хабар олиниб, унга ҳам «Artel» газ плитаси ҳадя этилди.

— Мамлакатимизда Давлатимиз раҳбари томонидан оддий одамларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар бизнинг хонадонга ҳам етиб келди, — дейди ҳаяжонини яшира олмай Г.Умарбекова. — Бундан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Турмуш ўртоғим оламдан ўтганида икки нафар фарзандим билан ота-онамнинг уйига қайтиб келишга мажбур бўлдим. Орадан бир оз вақт ўтиб, онам ҳам оламдан ўтди. Саломатлигим туфайли ҳеч қаерда ишламайман. Акамнинг қарамоғида кун кечираман. Биз каби ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор учун мингдан-минг раҳмат, бундай хайрли ишларни амалга ошираётган яхши инсонлар омон бўлсин.

Таъкидлаш зарурки, мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур тизимли тадбирлар аҳоли ўртасида кам таъминланганлик даражасини камайтириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, энг муҳими, инсонларнинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Муқаддас РАЗЗОҚОВА,**
«Ishonch» мухбири

## Жамоат назорати

*меҳнат муҳофазасида муҳим аҳамиятга эга*

Юртимизда ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, иқтидорини рўёбга чиқариши учун уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу йўналишда касаба уюшмалари ҳам кўплаб ишларни амалга оширмоқда. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Банк-молия академиясида «Ёш ходимларни қўллаб-қувватлаймиз» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.



Тадбирда тармоқнинг аъзо ташкилотлари иш берувчилари, бошланғич ташкилот раислари, техника хавфсизлиги муҳандислари иштирок этди. Давра суҳбатига таклиф этилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раҳматилла Каримов, Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси Давлат инспекцияси бошлиғи Қудратилла Одинаев, Республика ДСЭН Маркази Меҳнат гигиенаси бўлинмасининг санитария врачи Шуҳрат Намозов, Республика санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институти директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Муқаддас Ҳамроқулова мавзу юзасидан маъруза қилдилар. Жумладан, меҳнат жамоаларида иш самарадорлигини яхшилаш, ходимларга хавфсиз, қулай ва соғлиқлари учун безарар, бехатар бўлган иш шароитлари яратиб бериш мақсадида бу борадаги ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлаш ҳақида турли таклиф, фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиш, у ерда ишлайдиган вакилларнинг билим ва малакаларини ошириш, давлат экспертизасидан ўтказиш зарурлиги ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

2017 — 2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида касаба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам кенг таҳлил этилди. Жумладан, хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, коллеж битирувчиларига ишга жойлашиш учун яратилган имтиёз ва кафолатлар, қулай меҳнат шароитлари ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этилди.

Давра суҳбатида мутахассис ва иштирокчилар мавзу юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Айниқса, тадбир қатнашчилари томонидан билдирилган меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш ишларини янада яхшилаш бўйича таклифлар эътиборга молик бўлди.

Тадбир давомида тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасалар томонидан меҳнатни муҳофаза қилишга доир кўргазмалар ташкил этилди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
«Ishonch» мухбири

# Муқаддас қўрғон

◄1

Мазкур мамлакатда чиқадиган «Футурист» журналида босилган «Шимолий Америка оиласи 1990 йилда» мақоласи кишини янада таажжублантириши табиий. Мақолада баён қилинишича, XX аср охирига бориб романтик севги мутлақо йўқолди. Йигит ва қизлар эндиликда бир-бирлари тўғрисида электрон машина берган маълумотлар билан «никоҳ» бозорида танишади. Энди улар 3-5 йилга никоҳ иттифоқи тузади, холос. Оилаларнинг учдан икки қисмида фарзанд бўлмайди. Уларнинг фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, афтидан Ғарб оилаларининг бундай нохуш аҳволдан сабри тугаб, бардоши етмаётганга ўхшайди. Энди улар никоҳни мутлақо йўқ қилишни ёқламоқда. Чунончи, даниялик руҳшунос Инге Хечелер ҳар 100 никоҳдан 90 таси эр-хотин истамайдиган никоҳ эканини таъкидлаётир. Унинг айтишича, «одам умри бўйи бир киши билан никоҳда туриши тўғри эмас».

Албатта, ғарбликларнинг бу фикрлари шарқона менталитетимизга мутлақо ёт бўлиб, бундан таассуфланамиз, холос. Энг ачинарлиси бундайин ахлоқсиз, инсоний туйғуларга мутлақо зид фикр ва ғояларга ишонадиганлар ҳам пайдо бўлганидир. Аслида, бу ғоялар ёшларнинг ахлоқий ҳаётида тузатиб бўлмас муаммоларни юзага келтириб, оилалар бузилишига сабаб бўлмоқда.



Шу сабабли оила масаласи сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборида тургани бежиз эмас. Чунки оила барча даврларда давлат ва жамият ғамхўрлигига муҳтож бўлган.

Буни эътиборга олган ҳолда, 1993 йилнинг 20 сентябрида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Халқаро оила куни ҳар йили 15 майда бутун жаҳон миқёсида кенг нишонланади.

Бундан кўзланган мақсад, инсоният эътиборини одамларнинг ўз орзу-умидлари, бахт-саодати ҳамда тинчлигини боғлайдиган маскан — оиланинг мустаҳкам бўлишига қаратишдан иборат. Бу ташаббус доирасида ўтказилган барча тадбирлар оиланинг давлат ва жамият ғамхўрлигига муҳтож эканини исботлади.

Ўзбекистонда ҳам ўтган даврда оила институтида айрим нохушликлар кузатилганидан кўз юма олмаймиз. Масалан, 1970 йилда Ўзбекистонда оилавий ажрашишлар сони 13 мингта деб қайд қилинган бўлса, 1980 йилда 22,5 мингта, 1990 йилда 30 мингта, 1992 йилда 33 мингтани ташкил этган. Бундай дилхираликларнинг олдини олиш, оила мустаҳкамлиги ва боқийлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Хусусан, оила мустаҳкамлиги масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Миллий қонунчилигимизни шакллантириш жараёнида оиланинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида аҳамият берилди. Бош Қомусимиз бўлган Конституциянинг XIV боби «Оила» деб номланиб, 63-моддаси «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дея белгилаб қўйилди. Оила муносабатларини тартибга солувчи нормалар мажмуи сифатида Оила кодекси қабул қилинди.

Бироқ оила ва ундаги муносабатларни мустаҳкамлашга қанчалик ҳаракат қилинмасин, ҳануз оилавий ажримлар юз бераётгани кузатилмоқда.

Жумладан, Давлат статистика қўмитаси ахборотига кўра, ўтган 2017 йилда ФҲДЁ органларида 306 мингта никоҳ қайд қилинган.

Сурхондарё вилоятида 2016 йилга нисбатан 26,6 фоиз кўп никоҳ рўйхатдан ўтказилган. Ўсиш суръатлари бўйича кейинги ўринлар Жиззах ва Наманган (15,9 %), Самарқанд (12,3 %) ҳамда Қашқадарё (11,2%) вилоятларига тўғри келган.

Бироқ бу кўрсаткичлар билан бир қаторда 2017 йилда 31,9 мингта никоҳдан ажралиш ҳолатлари ҳам қайд қилинган. Бир йил аввалги кўрсаткичлар билан таққослаганда энг юқори ўсиш Сурхондарёда қайд этилди — 28,6 фоизга тўғри келган. Шунингдек, Жиззах ва Сирдарё (22,2 %), Самарқанд (21,2%), Наманган (19 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистонда (18,2%) ҳам ажримлар сони ошган.

Бундан ташқари, юртимизда 2017 йилда 715,5 минг бола туғилган бўлиб, мос равишда 1000 аҳолига нисбатан туғилиш коэффициенти 22,1 промиллени ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 0,7 промиллега камайди.

Қолаверса, 2017 йил давомида турмуш қурган қизларнинг 21,6 фоизи 20 ёшгача, 70,2 фоизи 20-29 ёшгача, 8,2 фоизи эса 30 ва ундан юқори ёшда бўлган. Эркаклар орасида 0,9 фоизи 20 ёшгача уйланган бўлса, 83,5 фоизи 20-29 ёш, 15,6 фоизи эса 30 ва ундан юқори ёшдагилардан иборат бўлди.

**БИЛАСИЗМИ?**

МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ **98 ФОИЗИ** ОИЛАЛАРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ. ҲОЗИР ЮРТИМИЗДА **8 МИЛЛИОН 235 МИНГДАН** ЗИЁД ОИЛА МАВЖУД. ҲАР ЙИЛИ **250-300 МИНГДАН** ОРТИҚ ЯНГИ ОИЛА БАРПО БЎЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ АХБОРОТИГА КЎРА, ЎТГАН 2017 ЙИЛДА ФҲДЁ ОРГАНЛАРИДА **306 МИНГТА** НИКОҲ ҚАЙД ҚИЛИНГАН.

### ТАРАҚҚИЁТ ОИЛА БАРҚАРОРЛИГИГА ТАЪСИР ЭТАДИМИ?

Хўш, эр-хотин қачон ажрашади? Фуқаролар никоҳ, оила муқаддаслиги, ажрашиш ва бошқа оилавий муносабатларга нега енгил-елпи муносабатда бўлишяпти?

Ўтган йилларда юртимизда оилавий ажримлар камайганига қарамасдан турмуши бузилаётган оилалар ҳали ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатлар оқибатида бир қатор муаммолар келиб чиқиб, биринчи навбатда аёллар ва болалар азият чекса, қолаверса, жамиятнинг маънавий ривожига путур етади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАМ ЎТГАН ДАВРДА ОИЛА ИНСТИТУТИДА АЙРИМ НОХУШЛИКЛАР КУЗАТИЛГАНИДАН КЎЗ ЮМА ОЛМАЙМИЗ. МАСАЛАН, **1970 ЙИЛДА** ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ АЖРАШИШЛАР СОНИ **13 МИНГТА** ДЕБ ҚАЙД ҚИЛИНГАН БЎЛСА, **1980 ЙИЛДА 22,5 МИНГТА, 1990 ЙИЛДА 30 МИНГТА, 1992 ЙИЛДА 33 МИНГТАНИ** ТАШКИЛ ЭТГАН.

Шу ўринда айтиш лозимки, техника тараққий этган бугунги кунимизда ривожланган мамлакатларда инсоний қадриятлар, жумладан, оила тушунчасининг ўта ғариблашиб бораётгани ғоят ачинарлидир.

Айниқса, шахснинг озодлиги, эркинлик даражаси, имкониятлари ортгани маълум. Бугунги кун кишисини 100 йил олдинги одам билан қиёслаб бўлмайди. Чунки ёшларнинг енгил-елпи ҳаётга берилиб, оила қуриш, фарзанд кўришга иштиёқи сўниб бораётгани, ажрашишлар оддий ҳолга айлангани, бир жинслар ўртасидаги никоҳнинг тобора кўпайгани бугунги кунда сиёсатчиларни ҳам ташвишга солмоқда. Бироқ Ғарбга хос бундай салбий «анъаналар» «оммавий маданият», «замонавий турмуш тарзи», «шахс эркинлиги» сингари ниқоблар остида юртимизга кириб келмайди, дея ишонч билан айта олмаймиз. Турли хорижий сериаллар, бемаъни томошалар, интернет, йўлдош каналлар миллий қарашларимизга ёт бўлган ана шундай тушунчаларни сингдиришда катта ўрин тутади. Демак, аввало, оилаларимизни бундай ножўя тўлқинлардан ҳимоя қилиш муҳим вазифага айланди.

Шуни таъкидлаш зарурки, оилаларнинг бузилиш сабаблари ўрганиб чиқилганда, ёшларимизнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, соғлиғига эътиборсизлик, йигитларнинг оилани бошқаришни, рўзғорни моддий таъминлашни, фарзандларни маънан ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ўз бурчлари деб билмаслиги, қизларнинг эса уй бекаси, оналик вазифасини тушунмаслиги, аксарият ҳолларда қайнона ва келин ўртасидаги жанжаллар туфайли юзага келаётгани маълум бўлди. Ўзаро келишмовчиликлар эса жамият ва оилага ҳам иқтисодий, ҳам маънавий зарар келтириши табиийлигини унутмаслик зарур. Чунки ажралишлар сабаб эр ва хотин аксарият ҳолларда никоҳни бекор қилиш, алимент олиш, уй-жой, мол-мулк бўйича суд идораларига мурожаат қилишади. Энг ёмони, барбод бўлган оилаларда вояга етмаган фарзандлар бўлиб, уларнинг маънавий тарбияси жамиятнинг оғриқли муаммосига айланиб қолади.

### ТИББИЙ КЎРИКНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Азал-азалдан мустаҳкам оила қуриш, фарзандлар камолини кўриш, маънан етук авлодни тарбиялаб вояга етказиш халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги** Низомда бўлғуси келин-куёвнинг турмуш қуришдан олдин тиббий текширувдан ўтиши мажбурийлиги белгиланган.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишдан мақсад соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликка чалинган болалар туғилишининг олдини олишдан иборат.

Шу сабабли оила қуриш истагини билдирган ёшлар даставвал ФҲДЁ идоралари томонидан берилган йўлланма асосида тиббий кўрикнинг бешта йўналиши, яъни руҳий, наркологик, захм, сил, ОИВ/ОИТС касалликлари бўйича бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Никоҳланувчи шахслар никоҳ қайд этилгунга қадар бир-бирининг соғлиғи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишиб, агарда улардан бири ёки иккисида ҳам касаллик аломатлари аниқланса, уларнинг текширув натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангач, никоҳ қайд этилади. Шунингдек, никоҳ гувоҳномаси ёки тиббий кўрикдан ўтганлиги ҳақида маълумотнома тақдим этилгач, шаърий никоҳ ўқишга рухсат берилади. Бундай мажбурий тиббий текширувнинг замирида, аввало, икки ёшнинг бир-бирига мослигини аниқлаш, қиз боланинг барвақт турмушга бериш, эрта фарзанд кўриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳдан келиб чиқувчи салбий оқибатларнинг олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини барпо этиш каби эзгу мақсадлар ҳам мужассам.

### ХУЛОСА ЎРНИДА

*Мухтасар айтганда, диний ва дунёвий ҳаёт тарзимизда оила эзгулик, эътиқод, бахт ва боқийлик масканидир. Уни асраб-авайлаш, ўз навбатида, никоҳ ва оилани муқаддас билиш, тоза насл, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш, оила мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлаш муқаддас қўрғоннинг эгаларига боғлиқ. Зеро, ҳар бир оилага тааллуқли масала эса бутун бир миллат, халқ тақдири билан чамбарчас боғланганi билан аҳамиятлидир.*

**Гулсум ШОДИЕВА,**
журналист

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

## Касаба уюшмаси ҳудудларда

**Сирдарё.** Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан жойларда ўтказилаётган давра суҳбатлари мавзуси соҳа ходимларини мажбурий меҳнатга жалб этишни чеклашга қаратилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилояти туман, шаҳар кенгашлари раислари, Гулистон шаҳридаги мактаблар ва МТМ раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмита раислари иштирокида бўлиб ўтган тадбирда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов ходимларни қўшимча ишларга жалб қилишнинг олдини олишга оид масалалар хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, бу борада бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаол бўлиши талаб этилади. Қолаверса, туман, шаҳар кенгашлари, вилоят масъул ташкилотчиси ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик клиникаси ҳам яқин кўмакчи бўлади.

Семинар қатнашчиларига аноним сўровномалар тарқатилиб, вазият ҳақида холис маълумот олинди.

***

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Гулистон туман кенгаши бошланғич ташкилотлари ўртасида хотира турнири ўтказилди. Мини футбол, волейбол, стол тенниси ва енгил атлетика бўйича мусобақаларда 74 нафар спортсевар куч синашди. Ходимларнинг фарзандлари учун велопойгалар ташкил этилди.

Натижаларга кўра туман ҳокимияти жамоаси биринчи, Халқ банки жамоаси иккинчи ва туман молия бошқармаси жамоаси учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

***

**Жиззах** вилоятининг Ғаллаорол, Пахтакор туманларида ҳам мажбурий меҳнатга жалб этишни чеклашга қаратилган тадбирлар бўлиб ўтди. Олис ва чекка ҳудудларда фаолият юритаётган ўқитувчи ва тарбиячилар вакиллари, касаба уюшма фаоллари, ҳокимлик ва маҳаллий бошқарув раҳбарлари иштирокидаги мулоқотларда эндиликда бюджет ташкилоти ходимларини жамоат ишларига мажбуран жалб этган раҳбарларнинг иши юзасидан прокуратура ва бошқа орган ходимлари иштирокида алоҳида назорат ўрнатилажаги билдирилди.

Ходимни иш жойида мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай турига жалб этиш ёки иш ҳақидан ноқонуний ушланмаларга гувоҳ бўлинса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг «Ишонч телефонлари»га, шунингдек, тармоқ касаба уюшмаси туман, шаҳар кенгашларига мурожаат қилишлари мумкинлиги эслатиб ўтилди. Мазкур жабҳадаги тарғибот-ташвиқот ишлари касаба уюшма фаоллари томонидан жойларда кенг кўламда олиб борилишига келишиб олинди.

Иштирокчилар тарқатилган аноним сўровномага жавоб қайтаришди.

***

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари Бюроси томонидан Ўзбекистон Республикасида Муносиб меҳнат дастури доирасида Жиззахда «Қишлоқ хўжалиги мавсумида ишчи (ходим)ларни ишга ёллашда иш берувчилар томонидан меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги масаласида уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиб бериш» мавзусида семинар ўтказилди.

ХМТ муносиб меҳнат дастури лойиҳасининг катта техник маслаҳатчиси Антон Хаузен, ушбу ташкилот вакиллари Анастасия Дубова ва А.Хусаинов ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, вилоят бандлик бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва Фермерлар кенгашининг соҳага дахлдор ходимлари ҳузурида маъруза, слайд, видеороликлар орқали мавзуга оид чиқишлар қилишди.

***

**Бухоро** вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат ҳуқуқлари асослари, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш масалалари» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда бирлашма томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар, мамлакатимиз ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасида бу йўналишда йўлга қўйилган яқин ҳамкорлик хусусида сўз юритилди.

Шундан сўнг иштирокчилар 3 гуруҳга бўлиниб, ташкилотчилар томонидан ишлаб чиқилган машғулотлар бўйича муҳокамалар ўтказиб, берилган вазифаларнинг ечими бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

***

**Қорақалпоғистон Республикаси** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ўтказилган «Маънавият соати»да мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда иззат-икром ҳақида сўз юритилди. Таъкидландики, бирлашма кенгаши ҳам бу борада қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 27 нафар уруш қатнашчиси, 156 нафар меҳнат фахрийси ва 6 нафар байналмилалчи-жангчига совғалар топширилди. Беш нафар ёлғиз кексага коммунал хизматлари учун ёрдам кўрсатилди. Чимбой ва Хўжайли туманларидаги «Мурувват» уйларида саховат тадбирлари ташкил этилди.

**Ўз мухбирларимиз**

## Ҳикмат

*Менинг фарзандларимда компьютер албатта бўлади. Бироқ мен энг аввал уларга китоб олиб бераман.*

**Билл ГЕЙТС**



Экспорт

# Сурхондарё ўриги хорижда

Кўплаб витаминларга бой ўрик меваси инсон организмида гемоглабин миқдорини кўтарувчи ва ундан холестирин ҳамда заҳарли моддаларни ҳайдовчи хусусиятга эга. Ҳаво иқлимининг ўзига хослиги сабабли ўрикнинг эртапишар навлари биринчи бўлиб Сурхондарё вилоятида пишиб етилади.

Айни дамда воҳанинг Термиз туманида етиштирилаётган ўрик четга экспорт қилинмоқда. Мазкур тумандаги «Саловот» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқароларнинг томорқа ва боғларида етиштирилган ўрикнинг дастлабки харидори Россия Федерациясининг Новосибирск шаҳри бўлди. Куни кеча бу ердан 18 тонна ўрик ортилган илк юк автотранспорти Россияга қараб йўл олди. Бу ердаги аҳоли ўзлари етиштирган ўрикларнинг ҳар бир килограммини 7000 сўмдан экспортёрларга топширмоқда. Энди ўригимиздан хорижликлар ҳам баҳраманд бўлишади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўрикнинг экспортида божхона расмийлаштируви тадбиркорларга қулай бўлган вақтда, 24 соат мобайнида ташкил этилган бўлиб, ушбу жараён қисқа муддатларда, сифатли давлат хизматини кўрсатиш асносида амалга оширилмоқда. Айни шу йўналишда фаолият юритаётган «Термиз» ва «Жаркўрғон» ташқи иқтисодий фаолият божхона постлари экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда юзага келадиган муаммоларни тадбиркорлар билан биргаликда ижобий ҳал қилишмоқда. Бу эса тадбиркорларни мамнун этаётир.

**Сардор ОМОНОВ,**
Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси инспектор-эксперти

## Эл саломатлиги йўлида

**Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эъзозланиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш каби йўналишлардаги ишлар янги сифат босқичига кўтарилмоқда.**

# ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

### «Зомин» санаторийсида янги «Она ва бола» бўлими фойдаланишга топширилди



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аҳоли саломатлигини яхшилашда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, тизимдаги санаторийларда ҳар йили 122 минг нафардан ортиқ киши дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлайди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг 51 минг нафардан ортиғи имтиёзли ва бепул йўлланмалар асосида соғломлаштирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давр талаби ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тизимдаги санаторийларда ўринлар сонини кўпайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, сиҳатгоҳларнинг моддий-техник базасини кучайтириш, уларни сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда «Оқ тош» санаторийсида 60 ўринли янги ётоқ ҳамда даволаш бинолари барпо этилиб, Наврўз байрами кунлари халқимизга муносиб туҳфа сифатида фойдаланишга топширилди. Натижада, санаторий жойлашган ҳудуд аҳолиси учун 12 та янги иш ўрни яратилди.

Худди шундай бунёдкорлик ишлари «Термиз марвариди» санаторийсида ҳам амалга оширилди. Жумладан, «Термиз марвариди» санаторийсида 3 қаватли янги ётоқ ва даволаш биноси, тиббий лаборатория, бальнеология бўлими, маъмурий ҳамда хўжалик бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида «Термиз марвариди» санаторийси сифатли санатор-курорт хизмати кўрсатиш ва дам олувчиларнинг мароқли ҳордиғини таъминлаш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга ушбу масканда 11 та янги иш ўрни яратилиб, санаторий жойлашган ҳудуд аҳолиси иш билан таъминланди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, «Оқ тош» ва «Термиз марвариди» санаторийларидаги янги бўлимларнинг илк дам олувчилари ушбу сиҳатгоҳлар жойлашган ҳудудларда яшаётган эҳтиёжманд оилаларнинг вакиллари бўлди.

Аҳолининг сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанишга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ортиб бораётганини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимдаги «Зомин» санаторийсида ўринлар сонини кўпайтириш ва хизматлар сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларни ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Хусусан, кейинги йилларда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари натижасида санаторийда дам олувчилар учун жаҳон мезонлари даражасидаги қулайликлар кўлами кенгайтирилди. Уларнинг маданий дам олишини таъминлаш мақсадида кутубхона, маданият саройи, болалар учун ўйин аттракционлари, болалар ва спорт майдончалари барпо этилди. Санаторий ҳудуди ландшафти ободонлаштирилиб, турфа гул ва кўчатлар билан кўкаламзорлаштирилди.

Дам олувчилар бўш вақтининг сермазмун ўтиши учун ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ва давра суҳбатларини юқори савияда ўтказиш, бу орқали уларга бугунги кунда мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини чуқур етказиш мақсадида барпо этилган «Маданият саройи» ҳам доимо гавжум. Болалар ва спорт майдончалари она-болаларнинг биргаликдаги ҳордиғи учун қулайликларни янада кенгайтириш имконини берди. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида санаторийда табиий шифобахш омиллар самарасини янада оширишга эришилиши билан бирга мазкур санаторийга нафақат юртдошларимиз, балки хорижий давлатлар фуқароларининг ҳам қизиқишлари ортиб, чет эллик дам олувчилар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётганини ҳам таъкидлаш зарур. Бу орқали Касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимизда тиббий туризм ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ САНАТОРИЙЛАР АЛОҲИДА ЎРИН ТУТАДИ. ХУСУСАН, ТИЗИМДАГИ САНАТОРИЙЛАРДА ҲАР ЙИЛИ 122 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ КИШИ ДАМ ОЛИБ, ЎЗ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ. АҲАМИЯТЛИ ЖИҲАТИ ШУНДАКИ, УЛАРНИНГ 51 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҒИ ИМТИЁЗЛИ ВА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМАЛАР АСОСИДА СОҒЛОМЛАШТИРИЛАДИ.**

Мана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жорий йилда санаторийда 132 ўринли янги «Она ва бола» бўлими барпо этилди. Мазкур янги бўлимда оналар ва болаларнинг биргаликда дам олиб, соғломлаштирилиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Бўлим замонавий ётоқ хоналари билан бирга даволаш муолажалари учун мўлжалланган хоналар ҳамда шинам ошхонага ҳам эга. Даволаш муолажа хоналари жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Ҳар бир ётоқ хоналари сўнгги русумдаги маиший техника жиҳозлари, хусусан, телевизор, музлатгич ҳамда замонавий мебель жиҳозлари билан таъминланди. Янги бўлимдаги мазкур қулайликлар дам олувчилар ҳордиғининг янада самарали бўлишини таъминлайди.

Жорий йилнинг 12 май куни «Зомин» санаторийсида барпо этилган янги «Она ва бола» бўлимининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган «Обод қишлоқ» дастури бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган 20 нафар эҳтиёжманд оила ҳамда кекса авлод вакилларининг «Зомин» санаторийсида қурилиб, фойдаланишга топширилган янги «Она ва бола» бўлимида бепул соғломлаштирилиши ташкил этилди. Яъни, янги бўлимнинг илк дам олувчилари вилоятдаги оналар ва болалар, отахон ва онахонлар бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, «Зомин» санаторийсида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида хизмат кўрсатиш сифати янада оширилиши билан бир қаторда 14 та янги иш ўрни ҳам яратилиб, санаторий жойлашган ҳудуд аҳолиси иш билан таъминланди.

Бугунги кунда «Зомин» санаторийси ташхислаш тадбирларини ўтказиш учун энг янги даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган замонавий санаторий мажмуи ҳисобланади. Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларидаги Зомин қўриқхонасининг энг хушманзара ҳудудида жойлашган ва иқлимий курорт ҳисобланмиш мазкур санаторий нафас олиш аъзолари касалликлари бронхиал астма, аллергик, асаб тизими ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари мавжуд бўлган дам олувчилар учун ихтисослаштирилган. Сиҳатгоҳдаги игнабаргли дарахтларнинг муаттар ҳидига бурканган мусаффо тоғ ҳавоси, гўзал табиат манзаралари, юқори ультра-бинафша нурлари нафас олиш аъзолари касалликлари мавжуд бўлган инсонлар саломатлигига ижобий таъсир ўтказади ва иқлимий-профилактик ҳамда даволаш муолажаларини ўтказиш учун кенг имкониятларга эга. Асосий даволаш омили тоғ иқлими ҳисобланади. Санаторийда бронхиал астма касаллиги бор беморларни даволаш учун туз ғори, шунингдек, сув билан даволаш муолажалари, болалар ва катта ёшдагилар учун мўлжалланган иккита сунъий ҳовуз, физиотерапия, шифобахш лой (балчиқ) билан даволаш, жисмоний тарбия билан даволаш, терренкур, яъни пиёда юриш орқали даволаш, уқалаш муолажалари кенг қўлланилади.

Дам олувчилар учун тиббий муолажалар билан бирга бўш вақтларини сермазмун ўтказиш мақсадида Зомин қўриқхонаси ва Самарқанд шаҳрига экскурсиялар ташкил этилади.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

## Ҳикмат

*Тиб илми шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани қайтарилади.*

**Ибн СИНО**

## Кўнгил манзаралари



**Абдусаид КЎЧИМОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

### ЖАВОБ

*Бир ниҳол экдингми Ватан боғига,*
*Меҳрингни тўкдингми чўл, янтоғига,*
*Гулларга чанг-ғубор қўнган чоғида*
*Арта билолдингми чанг-у ғуборни –*
*Десалар, юртдошим, жавобинг борми?*

*Битта ғишт қўйдингми майдонларига,*
*Бир васса ўйдингми айвонларига,*
*Бир мисра қўшдингми достонларига,*
*Кураб ташладингми томлардан қорни –*
*Десалар, юртдошим, жавобинг борми?*

*Кимдир узиб кетса дилбар гулларни,*
*Кимдир бузиб кетса сарвар йўлларни,*
*Кимдир эзиб кетса музтар дилларни,*
*Дуосин олдингми меҳрга зорни –*
*Десалар, юртдошим, жавобинг борми?*

*Уруш-жанжалларга хамиртурушлар,*
*Иллатфурушлар-у миллатфурушлар,*
*Афиф осмонингга қилса хуружлар,*
*Ҳосуд ҳақирларга тикдингми дорни –*
*Десалар, юртдошим, жавобинг борми?*

*Жавобинг бўлмаса мумтоз-мукаммал:*
*Қўлингда зулфиқор, белингда камар,*
*Дулдул тулпорингга ёр бўлса қамар —*
*Йўлдошинг сабъаи сайёр бўлади,*
*Муқаддас жавобинг тайёр бўлади.*

### ҲАВАС

*Улгу олиб яша доим ҳавасдан,*
*Булбулдек сайрашга интилсин қумринг.*
*Фақат соя бўлиб қолма ҳавасга,*
*Ҳавасга эргашиб ўтмасин умринг.*
*Ярқироқ юлдуздек чарақла сен ҳам,*
*Изингдан гулласин сирли тилсимлар.*
*Кимгадир ибрат бўл, ҳавас бўл ҳар дам*
*Сендай бўлмоқликни ҳавас қилсинлар.*

### ШАЙТОННИНГ ЎГИТИ

*— Бўтам, — деди бир кун*
*Шайтони лайин. —*
*Сўниб бораётир умрим чироғи.*
*Сенга бу дунёни таништирайин,*
*Улғайгач, хатолар қилма, чироғим.*
*Жондору жонзотлар оламда бисёр,*
*Барчаси Эгамнинг азиз мулкидир.*
*Уларнинг ичида доно ва ҳушёр,*
*Бизга энг яқини мулла тулкидир.*
*Бақаламун дерлар мана бу қуртни,*
*Табиатга мослаб турланар тез-тез.*
*Болта кесолмайди сенинг ҳам муртинг,*
*Борган манзилингда қолдирмасанг из.*
*Анови шалпангни ҳўтиквой дерлар,*
*Бу нокас танҳодир модаркушликда.*
*Найнов жирафани бўрилар, шерлар*
*Нонхуруш қилади ҳар кун тушликда...*
*Шу пайт муюлишда кўринди бир зот.*
*Суяниб олганди таёқ-ҳассага.*
*Икки қўл-оёқли ушбу мавжудот,*
*Антиқа кўринди шайтонваччага.*
*Қариянинг эса афти бужмайиб,*
*Дардчил хўрсинишдан тиришди жисми.*
*— Созлаб таниб олгин, бесас илжайиб*
*Турувчи бу каснинг «одам»дир исми.*
*Ақли заковатда бўлгани каби*
*Шумлик бобида ҳам йўқдир қиёси.*
*Беозор тиржайиб турса ҳам лаби,*
*Фитнага тўладир икки дунёси.*
*Булар шундай каски, этини шилиб*
*Олади устозу паноҳларини.*
*Барча қилғиликни ўзлари қилиб,*
*Бизларга тўнкайди гуноҳларини.*
*Шул боис бобонгни айлай десанг шод,*
*Ҳалол топай десанг ризқи рўзингни.*
*Одамзот наслидан бўлгин эҳтиёт,*
*Одамзот наслидан асра ўзингни.*

## Вақт қадри

«Ҳаётни севсанг, вақтни бой берма, чунки вақтдан ҳаёт яралади», деган эди файласуфлардан бири. Дарҳақиқат, вақтнинг қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб ҳам, қиёслаб ҳам бўлмайди. Аждодларимиз қолдирган улкан моддий ва маънавий мерос баъзан кишида «улар вақтдан ўзиб кетмаганмикан?», деган иштибоҳни туғдиради. Аслида ҳам шундай. Улар қилган айрим ихтиро ва кашфиётларни инсон зоти амалга ошира олмайдигандек кўринади. Бироқ бу ҳақиқат. Ҳақиқат шундаки, улар ўзларига берилган вақт — умрдан керакли ва унумли фойдалана олишган.



# ОНГДАГИ БЎШЛИҚ

### у вақтни тўғри тақсимлаш орқали йўқолади

Хўш, ҳозирги ёшлар «вақт» тушунчасининг туб маъносини тўғри англаб етмоқдами? XXI аср «технологиялар асри» деб аталмоқда. Аслида эса «технологияларга қул бўлган аср» деб атасак, тўғри бўларди. Чунки инсоният бугун ўзи яратган ихтироларнинг асирига айланган. Замонавий инсон ҳаётини телефон, компьютер, iPadларсиз тасаввур қилиш жуда қийин. Улар-сиз киши ҳаётида бўшлиқ юзага келади. Шу бўшлиқни қандай тўлдириш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ.

Шу ўринда қуйидаги маълумотни келтириб ўтишни лозим топдик. Англиялик Стивен Ковин деган тарбиячи аудиторияда ажойиб бир машғулот ўтказган. У 5 литрли шаффоф идиш олдига муштдек-муштдек келадиган бир неча тошни қўйиб, ўтирганлардан «Нима деб ўйлайсизлар, шу тошлардан нечтаси бу идишга сиғади?» деб сўрайди. Турли фикрлар айтилгач, идишга бир нечта тошни солади. Унинг «Идиш тўлдими?» деган саволига ҳамма бир овоздан «Ҳа» деб жавоб қайтаради.

Кейин у идишга сиққанича шағал тўкади. Шағал тезда тош ораларига жой бўлади. Стивен «Энди-чи?» деб сўрайди. Бу сафар улар «Шубҳасиз», деб жавоб қайтаришади. У энди идишга бир челак қум ағдаради. Қум зарралари тезда тош ва шағал ораларига жойлашади. Стивен боягги саволини такрорлайди. Улар «Бу сафар аниқ тўлди, энди унга ҳеч нарса солиб бўлмайди», дейишади. Шундан сўнг у идишга бир литр сувни ҳам қуяди. Сув ҳам идишдан жой олади. Стивен «Хўш, буларнинг ҳаммаси нимани билдиради?» – деб сўрайди атрофидагилардан. Аудиторияда турли фикрлар айтилади. У эса «Ҳаётда доимо бўшлиқ мавжуд, уни тўлдириш учун ишлаш керак бўлади. Бу тажрибанинг бошқа муҳим жиҳати ҳам борки, агар мен биринчи навбатда катта тошларни солмасам, идишда уларга жой қолмаган бўларди», дея хулоса билдирган.

Биз бу тажрибани бежиз эсламадик. Келажакка юксак ишонч билан интилган ҳар бир ёш ҳаётда энг аввало, муҳим вазифаларни номуҳимларидан ажрата билиши керак. Бунда улар ўзларига ажратилган вақтларини тўғри ва аниқ тақсимлай олишлари муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, фарзандларимиз вақтини шундай тақсимлайликки, токи уларнинг онгида «қум» ва «шағаллар»га ўрин қолмасин.

**Гулхумор ИБРОҲИМОВА**

**МУАССИС:** O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир:**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт— 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш— 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Таҳририят ҳисоб рақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** — (+998-91) 268-92-32
**Андижон** — (+998-91) 475-23-60
**Бухоро** — (+998-93) 653-50-81
**Жиззах** — (+998-91) 943-67-44
**Наманган** — (+998-90) 260-50-77
**Навоий** — (+998-93) 314-13-03
**Самарқанд** — (+998-97) 915-50-87
**Сирдарё** — (+998-90) 610-95-55
**Сурхондарё** — (+998-91) 233-69-07
**Фарғона** — (+998-90) 991-55-71
**Хоразм** — (+998-90) 719-48-00
**Қашқадарё** — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Т. Шернаев
**Навбатчи:**
Н. Маҳамов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов
Босишга топшириш вақти — 01:10
Топширилди — 01:30
2 3 4 5 6
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 509.**
**31508** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133